

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиши тўғрисида)

2019 йил апрель ойининг 22 куни жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг очик сайёр суд мажлиси, жабрланувчи Холмуродова Диларам Худайназаровнанинг Гулистон шаҳар, 2-мавзе, Сайқал маҳалласи, Маданият кўчаси, 12-уйида бўлиб,

Раислик қилувчи Қ.А.Аловов,

судья ёрдамчиси Н.Уразовнинг котиблигида, Гулистон шаҳар прокурори Ж.Восиев, жабрланувчи Д.Холмуродова ва айбланувчи А.Султоновларнинг иштирокида, Султонов Азамат Абдужалил ўғлига нисбатан 1-1201-1902/34-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш хужжатларига кўра:

Султонов Азамат Абдужалил ўғли (SULTONOV AZAMAT ABDUJALIL O'G'LI) - 1991 йил 29 декабрь куни Мирзаобод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, 1 нафар вояга етмаган фарзанди бор, муқаддам судланмаган, “Султонов Азамат” ЯТТ раҳбари, Мирзаобод тумани, “Тинчлик” маҳалласи, Отажонов кўчасидаги рақамсиз уйда яшайди, “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2019 йил 9 апрель куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Султонов 2019 йил 20 февраль куни соат 09:30 ларда ўз бошқарувидаги отаси Холиқулов Абдужалил Султоновичнинг номига расмийлаштирилган “Нексия-2” русумли, 20 М 653 СА давлат белгили автомашинани Гулистон шаҳар 2-мавзе ҳудудидан ўтувчи Ўзбекистон шох кўчаси бўйлаб вилоят шфохонасидан Марказий банк йўналиши бўйлаб бошқариб бораётиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 декабрда 370-сон қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 109-бандида кўрсатилган “Тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойига яқинлашаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси қатнов қисмини кесиб ўтаётган пиёдаларни ўтказиб юбориш учун тезлигини камайтириши ёки тўхташи шарт”лиги ҳақидаги талабини бузиб, 5.16.2 “Пиёдалар ўтиш жойи” йўл белгисининг таъсир зонасида 1.14.1 “Зебра” тартибга солинмаган пиёдаларнинг ўтиш жойини белгиловчи ётиқ чизик устидан йўлнинг қатнов қисмини ўнг томондан чап томонга ҳаракатланиб ўтаётган пиёда Холмуродова Диларам Худайназаровнани автомашинасининг олд қисми билан уриб юбориб, йўл транспорт ходисаси содир этган, натижада Д.Холмуродова тан жароҳатлари олиб, шифохонага мурожаат қилган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2019 йил 21 февраль кунги 386-сонли хулосасида фуқаро Д.Холмуродова оғир шикаст тан жароҳати олганлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган А.Султонов ва жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Д.Холмуродовалар ариза билан муурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўради.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган А.Султонов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчига нисбатан етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Д.Холмуродова суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хохиши билан ёзганлиги, бирон-бир тазйик бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, жабрланувчи ва судланувчининг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурорнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, айбланувчининг муқаддам судланмаганлигини, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув айбланувчи ва жабрланувчининг хохишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Айбланувчи **Султонов Азамат Абдужалил ўғли (SULTONOV AZAMAT ABDUJALIL O'G'LI)**га нисбатан юритилган жиноят иши бўйича суд мажлиси баённомаси тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айбланувчи Султонов Азамат Абдужалил ўғлига нисбатан бўлган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Судланувчи Султонов Азамат Абдужалил ўғлига қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи Д.Холмуродовага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримга устидан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Қ.А.Алов

Ажрим нусхаси аслига тўғри